



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 10 » iyun

№ 327

Toshkent sh.

Узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5200-сон қарорига мувофиқ узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5200-сон қарори 12-бандига мувофиқ:

а) республика бюджетидан Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг **Виночиликни ривожлантириш жамғармасига** ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига** ҳар йили қўшимча **100 миллиард сўмгача** субсидия ажратиш;

б) ажратилган маблағлар ҳисобидан:

жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун базавий ҳисоблаш миқдорини сифатлилик даражаси асосида белгиланадиган коэффициентга кўпайтирган ҳолда (базавий ҳисоблаш миқдори ҳар бир гектар мевали экинлар учун 6 млн сўм ҳамда узум учун 8 млн сўм қилиб белгиланади);

яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги узум ва мевали боғлар плантацияларига сув чиқариш учун **бурғиланган қудук**, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш мақсадида **насос станциясини қуришга ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан**, аммо **120** миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тегишли далолатномасига асосан;

янги интенсив боғ ва токзорларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудук, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш ишларини **лойиҳалаштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир лойиҳага 10 миллион сўмгача**;

аҳоли яшаш пунктларидан узоқ ҳудудларда жойлашган **10 гектардан кам бўлмаган лалми ва фойдаланишдан чиққан ерларда** узум ва мевали боғлар плантацияларини ташкил этиш учун **қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси (қуёш, сув, шамол) билан таъминлаш ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 50 фоизгача**, бироқ **100** миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

маҳаллий шароитда “in-vitro” усулида етиштирилган **ҳар бир дона ток кўчати ва пайвандтагли ток кўчати учун 5 минг сўм** миқдорда;

маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан экспорт қилинган **ҳар бир литр узум ва мева-резаворлардан тайёрланган табиий равишда ачитилган табиий вино** (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ҳамда **бренди учун 5 минг сўмдан кўп бўлмаган миқдорда**;

узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида **бир дона шпалерга 15 минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда**;

узум (майиз) қуриштиш ва қадоқлаш линиялари ҳамда виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг **20** фоизи, бироқ **300** миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда **субсидия ажратиш белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудук, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага;

Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага;

Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага;

Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага;

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Ў. Умурзаков ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “10” июн даги 327 -сон қарорига
1-илова

**Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

субсидия – талабгорнинг янги интенсив боғ ва токзорларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш, ушбу мақсадда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва/ёки қайта тикланувчи, муқобил электр энергия қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағ;

талабгор – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер майдонида 2019 йилда ёки ундан кейинги йилларда ташкил этилган (ташкил этиладиган) янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилган, бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қурган ҳамда қайта тикланувчи, муқобил электр энергия қурилмасини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва бошқа юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар;

интенсив боғ – пакана ва ярим пакана пайвандтагларда етиштирилган кўчатларни зич схемада экиб, томчилатиб суғориш тизими жорий этилган боғ;

томчилатиб суғориш технологияси – сув тиндиргич (ҳовуз), сув насоси, сув тозалагичлар (фильтрлар), минерал ўғитлар эритмасини тайёрловчи мослама, сувни бошқариш ва ўлчаш воситалари, сув етказувчи, сув тарқатувчи ва сув томизгичли қувурлардан иборат суғориш мажмуаси;

ҳовуз-тиндиргич – оқар сув таркибидаги лойқа оқизикларни ушлаб қолиш (сувни тиндириш) ҳамда суғориш учун зарур бўладиган сув захирасини сақлаш учун мўлжалланган иншоот;

насос станцияси – сувни сув объектидан зарур ҳажмда етказиб беришга мўлжалланган қурилма;

фильтрлаш қурилмаси – суғоришда фойдаланиладиган сувнинг таркибидаги йирик ва майда зарраларни сувни тежайдиган суғориш технологияси талаби даражасида тозалашга мўлжалланган қурилма;

бош (магистрал) қувур – керакли микдордаги сувни тизим насос қурилмасидан олиб, тарқатувчи қувурларга етказиб бериш учун мўлжалланган ер ости ёки устида ётқизиладиган қувурлар;

тарқатувчи қувур – сувни бош қувурдан олиб, томизгичли суғориш шлангларига етказиб ва тақсимлаб бериш учун ёки қатор орасига сувни тарқатишга хизмат қилувчи ер ости ёки устида ётқизиладиган қувурлар;

томизгичли суғориш шланглари – экинлар қаторлари ораларига ётқизиладиган ва белгиланган меъёрдаги сувни ўсимлик илдиз тизимига етказиб бериш учун мўлжалланган томизгичли шланглар;

тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви – сувни тежайдиган суғориш тизимларини ишлатишда инсон омилини камайтириш орқали ўсимликларга сув ва минерал ўғитни энг самарали микдорларда автоматлаштирилган усулда етказиш учун мўлжалланган ускуна ва дастурий таъминот мажмуаси;

сув ҳисоблагич – суғоришда фойдаланиладиган сув ҳисобини автоматик тарзда юритувчи қурилма;

қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмаси – аҳоли яшаш пунктларидан узоқ ҳудудларда жойлашган, 10 гектардан кам бўлмаган янги интенсив боғ ва узум плантацияларига томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида сув чиқариш, шунингдек, сув тортиш ва суғориш учун насос станциясини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қуёш, сув, шамол ёрдамида электр энергиясини ҳосил қилувчи қурилмалар;

плантация – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан яхлит ёки туташ ҳудудда 10 гектардан кам бўлмаган майдонларда бир хил мева ёки узум тури экилган интенсив боғ ва/ёки токзор;

хулоса – янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилган, бурғиланган кудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қурган ва/ёки қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олган талабгорга ушбу Низомнинг **1-иловасига** мувофиқ таркибдаги туман ишчи гуруҳи томонидан бериладиган ва субсидия ажратиш учун асос бўладиган ҳужжат.

3. Талабгорга ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схема бўйича:

томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир лойиҳага 10 миллион сўмгача (бунда томчилатиб суғориш технологияси, бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бир лойиҳа деб қабул қилинади);

яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги янги интенсив боғ ва узум плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларида насос станциясини қуриш ва сувни тортишга (металл ёки пластик қувурлар) ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо бир дона бурғиланган қудуқ ёки насос станцияси учун 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда тегишлича Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг ёки Сув хўжалиги вазирлигининг далолатномасига асосан;

ушбу Низомнинг 3-иловасида кўрсатилган жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун ажратиладиган субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори кўрсаткичлари орқали;

аҳоли яшаш пунктларидан узоқ ҳудудларда (3 км) жойлашган, 10 гектардан кам бўлмаган лалми ва фойдаланишдан чиққан ерларда янги интенсив боғ ва узум плантациялари ташкил этиш учун қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси (қуёш, сув, шамол) билан таъминлаш ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидиялар берилади.

Мазкур банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган имтиёз олдин ҳар 35 гектар майдонда янги интенсив боғ ва узум плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш мақсадида насос станциясини қуришга субсидия олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига янги қудуқ қазиш, шунингдек, насос станциясини қуриш шarti билан татбиқ этилади.

4. Янги интенсив боғ ва токзорларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ишларини лойиҳалаштириш ҳужжатларида қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

ташкил этилаётган янги интенсив боғ ва токзорларни суғоришда табиий, сунъий ва ер ости сув ресурсларидан фойдаланиш имконияти;

кўчат тури ва сонига қараб, вегетация даврида сув билан таъминланиш имконияти;

суғориш қувурларининг ҳудуднинг рельефига мослиги ва максимал ўрнатилиш узунлиги;

босим орқали сувни бошқаришда кўчатларнинг тури ва сонидан келиб чиқиб, сувнинг боғдаги (токзордаги) ҳамма кўчатларга тенг таксимланиши.

2-боб. Субсидия бериш тартиби

5. Субсидия:

янги интенсив боғ, хўраки ва кишмишбоп токзорларни барпо этган ёки барпо этадиган талабгорга – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Боғдорчиликни ривожлантириш жамғармаси);

саноатбоп токзорларни барпо этган ёки барпо этадиган талабгорга – Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси) ҳисобидан ажратилади.

Бунда, яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги узум ва мевали боғлар плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган кудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуришга ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдордаги ҳамда қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида субсидия пропорционал тарзда экин турига қараб берилади.

6. Субсидия:

а) янги интенсив боғ ва узум плантацияларида лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ барпо этилган:

томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш;

бурғиланган кудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш харажатларига;

б) барпо этилган янги интенсив боғ ва узум плантациялари учун қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларига фақат бир маротаба ажратилади.

7. Талабгор субсидия олиш учун янги интенсив боғ ва узумзорларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилган, бурғиланган кудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қурган, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмаси тўлиқ сотиб олган бўлиши лозим.

8. Талабгор мазкур Низом талаблари асосида субсидия ажратилишига ҳулоса олиш учун ушбу Низомнинг **4-иловасига** мувофиқ шаклдаги аризани ёзма ёки электрон шаклда туман ишчи гуруҳига юборади.

Бунда, аризага қуйидагилар илова қилинади:

томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган кудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича лойиҳа ва лойиҳа-смета ҳужжатлари;

томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш ҳамда бурғиланган кудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича пудрат ташкилоти билан тузилган

шартнома ҳамда ишлар якунланганлиги тўғрисида пудрат ташкилоти ва талабгор ўртасида имзоланган далолатнома ва ҳисоб-фактура нусхаси (бунда мазкур хатбошидаги куриш ишлари талабгор томонидан лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ бажарилган бўлса, томчилатиб суғориш технологияси ва насос станциясини куриш учун ишлатилган маҳсулотларни сотиб олиш шартномаси ҳамда ҳисоб-фактура нусхаси тақдим қилинади);

янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этилаётган жойнинг тупроқ-иклим шароитларидан келиб чиқиб, тупроқнинг ҳолати ва унумдорлиги тўғрисида маълумот;

қайта тикланувчи, муқобил электр энергия қурилмасини сотиб олиш тўғрисида шартнома ва ҳисоб-китоб ҳамда техник ҳужжатлар (паспорт) нусхаси.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

9. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, туман ишчи гуруҳи томонидан сабаблари кўрсатилиб, аризани қабул қилиш рад этилади.

10. Туман ишчи гуруҳи талабгорнинг мурожаатидан келиб чиқиб, беш иш кунида:

а) тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқлигини, боғ ва токзорлар интенсив усулда 2019 йил ва ундан кейинги йилларда ташкил қилинганлигини;

талабгор ва пудрат ташкилотлари вакили иштирокида жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияларини ва/ёки бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини куриш ишлари лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқлигини;

қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасининг олди-сотди шартнома шартларига ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳамда техник ҳужжатлар (паспорт) талабларига мувофиқлигини, янгилигини ва томчилатиб суғориш тизими тўлиқ ишлатиш учун талаб этиладиган электр энергияси ҳосил қилиш қувватига эгаллигини ўрганади;

б) жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун ажратиладиган субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори кўрсаткичларини ҳисоблайди.

11. Ўрганиш натижаси юзасидан ишчи гуруҳ бир кун муддатда ушбу Низомнинг 5-6-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича бир иш куни ичида қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади ва тегишли хулосани талабгорга ёзма ёки электрон шаклда юборади:

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида (ижобий хулоса);

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида (салбий хулоса).

Ижобий хулоса расмийлаштирилган тақдирда, хулосанинг икки асл нусхаси талабгорга тақдим этилади ва бир нусхаси туман ишчи гуруҳида сақланади.

Салбий хулоса расмийлаштирилган тақдирда, талабгор камчиликларни бартараф этиб, белгиланган тартибда янгидан мурожаат қилиши мумкин.

Туман ишчи гуруҳи раҳбари ва аъзолари хулосанинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун масъул ҳисобланади.

Талабгор туман ишчи гуруҳининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда, суд органларига шикоят қилиши мумкин.

12. Туман ишчи гуруҳи аъзолари талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокими – ишчи гуруҳи фаолиятини ташкил қилишга ва ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва расмийлаштиришга, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмаси жорий қилинганлигига, яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги узум ва мевали боғлар плантациялари аҳоли яшаш пунктларидан узоқ ҳудудларда жойлашганлигига;

туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи – сувни тежайдиган технология боғ ва токзорларнинг экин майдонларида жорий қилинганлигига ва унинг ўлчами, контур рақами ҳамда экин турини аниқлашга;

туман лойиҳа офиси раҳбари - ушбу Низомнинг 7-илоvasи маълумотлар янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этилаётган жойнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, тупроқнинг ҳолати ва унумдорлиги тўғрисида маълумотларга мувофиқлигига;

туман Молия бўлими бошлиғи – субсидия миқдорининг тўғри ҳисобланишига;

туман Ирригация бўлими бошлиғи – жорий қилинган технология тури ва унинг сифат кўрсаткичларини аниқлашга;

“Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлими бошлиғи – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси томонидан қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасининг янгилигига, олди-сотди шартномаси ва техник ҳужжатлар (паспорт) лойиҳа талабларига мувофиқлигини, шунингдек, талаб этиладиган миқдорда электр энергияси ҳосил қилиш қувватига эгаллигини аниқлашга;

туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси – пудрат ташкилотлари билан тузиладиган шартномаларда фермер хўжаликлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга.

13. Талабгор туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг тегишлилиги бўйича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ёки Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини

тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентликлар) ёзма ёхуд электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юридик шахсининг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), сўралаётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги 22626-махсус ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

талабгорга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида туман ишчи гуруҳининг хулосаси ва хулосани қабул қилишга асос бўлган ҳужжатлар нусхаси (лойиҳа ҳужжатлари, олди-сотди ва/ёки пудрат шартномаси, ишлар сифатли бажарилганлиги тўғрисида имзоланган далолатнома, ҳисоб-фактура, тупроқнинг ҳолати ва унумдорлиги тўғрисида маълумот);

янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этиш учун ер участкаси ажратилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси ҳамда куриб битказилган бурғиланган қудуқ, шунингдек, насос станцияси ва қайта тикланувчи муқобил электр энергияси қурилмаси балансга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона тўғрисида ушбу Низомнинг **7-иловасига** мувофиқ шаклда маълумот;

зарур ҳолларда, янги интенсив боғ, токзор ташкил қилиш учун томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилган ҳамда сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қурган ва ўзаро келишув шартномаси асосида тенг мажбуриятлар олган, бир неча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ўзаро келишув шартномаси нусхаси.

Агар қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмаси жорий қилинган бўлса, юқоридаги ҳужжатлар билан бирга қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олишга доир шартнома, далолатнома ва ҳисоб-китоб ҳужжатлар нусхаси тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперацияси талабгор бўлса, кооперация аъзоси бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан сувдан, насос станциясидан, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасидан биргаликда фойдаланиш бўйича ўзаро келишув шартномасини тақдим қилади.

Бунда, кооперация ёки унинг аъзоси бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчисига тўланадиган субсидия миқдори ҳар бир гектар учун сифатлилик даражаси асосида белгиланган коэффициентга кўпайтириш орқали фақат битта талабгорга тақдим қилинади.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилигига талабгор жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Агентликлар талабгорга тааллуқли бошқа маълумотларни туман ишчи гуруҳидан талаб қилиб олади.

Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга қайтарилмайди.

14. Агентликлар ўн беш иш куни ичида:

талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинган ҳужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;

камчиликлар аниқланган тақдирда, бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма равишда хабардор қилади. Бунда, камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, талабгор белгиланган тартибда янгидан мурожаат қилиши мумкин;

талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар ва туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасига биноан талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномани расмийлаштиради.

15. Субсидия Агентликлар ва талабгор ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартнома белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, ҳисобварақда маблағ бўлган тақдирда, талабгорга хизмат кўрсатувчи тижорат банкида очилган махсус 22626-ҳисобварақига бир ой ичида ўтказиб беради.

Субсидия маблағлари мақсадли бўлиб, 15-банднинг биринчи хатбошидаги қайд этилган ҳисобварақдаги маблағлар ташаббускорлар томонидан томчилатиб суғориш технологияси ва насис станциясини қуриш билан боғлиқ юзага келган дебитор қарздорлигини қоплашга, қолган қисми ишлаб чиқариш фаолиятини ташкилга йўналтирилади.

16. Талабгор субсидия ажратилганидан сўнг 12 ой ичида Агентлик билан тузилган субсидия ажратиш ҳақидаги шартнома шартларига мувофиқ кўчат экиш ишларини яқунлаши шарт.

3-боб. Шартнома шартларининг бажарилишини мониторинг қилиш тартиби

17. Агентликлар туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда беш йил мобайнида шартномада кўрсатилган параметрлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.

18. Томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш ҳамда сув чиқариш учун бурғиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиб келиш воситалари ва қурилмалари, насос станцияси қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия олган талабгор субсидия предметидан беш йилдан кам бўлмаган муддатда мақсадли ва самарали фойдаланишлари лозим.

19. Янги интенсив боғ ва токзорларнинг қатор оралиғига бошқа турдаги экинларни жойлаштиришга Агентликлар билан келишилган ҳолда, уларнинг тавсиялари асосида йўл қўйилади.

20. Янги интенсив боғ ва токзорларда сувни тежайдиган суғориш технологиясини ишлатмай, анъанавий суғориш усулида (экин майдонида ўқ

ариқ ва шох ариқлар олиб, эгат билан суғориш) суғоришга йўл қўйилмайди (шўр ювиш ва яхоб, нам суви бериш бундан мустасно).

21. Томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланишга эҳтиёж бўлмаганда (куз-қиш мавсумида), электр энергияси ва сув таъминотида узилишлар бўлганда, таъмирлаш даврида, шунингдек, форс-мажор ҳолатларда улардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилиши, томизгичли суғориш қувурлари йиғиштириб олиниши мумкин.

22. Талабгорнинг жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияларидан, бурғиланган кудук, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун барпо этилган насос станциясидан, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасидан мақсадли фойдаланилмаётганлиги ҳолатлари аниқланса, ажратилган субсидия куйидагича тартибда қайтарилади:

биринчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 100 фоизи;
иккинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 80 фоизи;
учинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 60 фоизи;
тўртинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 40 фоизи;
бешинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 20 фоизи.

23. Субсидиядан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назорат туман ишчи гуруҳи, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман (Кувасой шаҳар) бўлими ҳамда жамоатчилик назорати субъектлари томонидан амалга оширилади.

24. Туман ишчи гуруҳи экинларни суғориш мавсумида субсидия предметидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан бир ойда камида бир марта талабгор ёки унинг вакили иштирокида мониторинг ўтказилади.

Мазкур мониторинг Агентлик ташаббуси ва унинг ходимлари иштирокида ўтказилиши мумкин.

Мониторинг натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

25. Талабгор мазкур Низомнинг 16, 18, 20-бандлари талабларини бажармаган тақдирда, талабгор Агентликнинг ёки туман ишчи гуруҳининг субсидияни қайтариш ҳақидаги ёзма хабарномасини олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияни Агентликнинг тегишли махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

26. Талабгор ажратилган субсидияни белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, Агентлик томонидан субсидияни суд тартибида ундириш чоралари кўрилади.

27. Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан субсидия предметидан суғориш мавсумида фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланса бундай ҳолатлар видеотехника воситалари орқали қайд этилиши (ёзиб олиниши) ва икки кун муддатда туман ишчи гуруҳига тақдим қилиниши мумкин.

28. Туман ишчи гуруҳи жамоатчилик назорати субъектлари томонидан келиб тушган видеоёзувларни қабул қилгандан сўнг уч иш куни ичида талабгор ёки унинг ваколатли ходими иштирокида ҳолатни ўрганади.

Ўрганиш натижалари туман ишчи гуруҳи томонидан уч иш куни ичида муурожаат қилган шахсга ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

29. Жамоатчилик назорати субъекти томонидан юборилган хабар ўз тасдиғини топган тақдирда у тегишли Агентлик томонидан рағбатлантирилади.

Рағбатлантириш талабгордан ундирилган субсидиянинг беш фоизи миқдорида амалга оширилади. Пул мукофоти маълумотни тақдим қилган шахснинг банк картасига ўтказиб берилади. Бунда, ушбу ўтказиб берилган маблағлар Агентликка етказилган зарар сифатида баҳоланиб, субсидия шартларини бажармаган талабгор ҳисобидан қопланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Ҳар йилги ажратиладиган субсидия тўғрисидаги маълумотлар Агентликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

31. Агентликлар ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда талабгор томонидан субсидия предметидан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.

32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун тақдим этилган субсидиядан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасининг сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

1-илова

Сувни тежайдиган технологияларни, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини жорий этишга (қуришга) сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани ишчи гуруҳининг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

Т/р	Ишчи гуруҳ аъзоси
1	Туман ҳокими, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i>
2	Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i>
3	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4	Туман Молия бўлими бошлиғи
5	Туман Ирригация бўлими бошлиғи
6	Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
7	“Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлими бошлиғи
8	Туман лойиҳа офиси раҳбари
9	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими, <i>ишчи гуруҳ котиби</i>

Изоҳ. Қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия олиш бўйича мурожатларни кўриб чиқишида “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлими бошлиғи туман ишчи гуруҳи таркибига киритилади.

Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасининг сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

2-илова

Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгорлар	Мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.	Ишлар тўлиқ бажарилганидан сўнг
2-босқич	Туман ишчи гуруҳи	1. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ижобий хулоса беради. 2. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлмаса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан салбий хулоса беради ва хужжатларни талабгорга қайтаради.	5 иш куни ичида

3-босқич	Талабгорлар	Агентликларга ёзма ёки электрон шаклда тегишли ҳужжатларни тақдим қилади.	Туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг
4-босқич	Агентликлар	<ol style="list-style-type: none">1. Талабгор томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;2. Камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.3. Талабгор томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномани расмийлаштиради.	15 иш куни ичида
5-босқич	Агентликлар	Агентлик субсидияни талабгорга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварағига ўтказиб берилади.	1 ой ичида
6-босқич	Агентликлар	Туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда шартномада кўрсатилган параметрлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.	Субсидия ажратилганидан сўнг 5 йил мобайнида

Янги интенсив боғ ва тоқзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини куриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергия курилмасини сотиб олиш харажатларини бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

3-илова

Жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун ажратиладиган субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори кўрсаткичлари

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
1.	Ҳовуз-тиндиригич (оқар сув таркибидаги лойқа-оқизикларни ушлаб қолиш (сувни тиндириш) ҳамда суғориш учун зарур бўладиган сув захирасини сақлаш учун мўлжалланган иншоот)	*
1.1.	бетон ёки темир-бетон қопламали	0,08
1.2.	геомембрана қопламали (қалинлиги ≥ 1 мм)	0,05
1.3.	бир мавсумли плёнка билан қопланган	0,02
1.4.	қопламасиз	0,01
2.	Насос станцияси	0,1
3.	Филтрлаш курилмаси	*
3.1.	гидроциклонли, гидравлик автомат, қумли, дискли (ёки сеткали) филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,15
3.2.	қумли, дискли (ёки сеткали) филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,1
3.3.	дискли ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,05
4.	Бош (магистрал) қувурлар	*
4.1.	қалин деворли ($>5,7$ мм)	0,25
4.2.	ўртача қалин деворли (4,2 — 5,7 мм)	0,2
4.3.	юпқа деворли (2,0 — 4,1 мм)	0,15
5.	Тарқатувчи қувурлар	*
5.1.	қалин деворли ($>3,1$ мм)	0,25
5.2.	ўртача қалин деворли (2,8 — 3,1 мм)	0,2
5.3.	юпқа деворли (0,75 — 2,7 мм)	0,15
6.	Томизгичли суғориш шланглари	*
6.1.	қалин деворли ($>0,7$ мм)	0,4
6.2.	ўрта деворли (0,3 — 0,7 мм)	0,35
6.3.	юпқа деворли ($<0,3$ мм)	0,3
6.4.	тупроқости суғоришга мўлжалланган шланглар	0,5
7.	Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви	0,1
8.	Сув ҳисоблагич	0,05
ЖАМИ		**

*) Мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади.

**) 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8-позициялардаги кўрсаткичлар қўшилиб акс эттирилади.

Томчилатиб суғориш технологиясининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффициент жадвалларнинг “Кўрсаткич” устунисидаги балларни қўшган ҳолда ҳисобланади.

Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудук, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

4-илова

Сувни тежайдиган технологияларни, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш, қайта тикланувчи, муқобил электрси энергия қурилмасини жорий этишга (қуришга) сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани ишчи гуруҳига

“ _____ ”

_____ раҳбари _____ томонидан

АРИЗА

_____ худудида фаолият кўрсатаётган “ _____ ” фермер хўжалиги (МЧЖ) 20__ йил жами __ гектар ер участкасида, жумладан, __ рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда _____ гектар экин майдонида янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этиш учун сувни тежайдиган технология, бурғиланган қудуклар, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияси қурилди, қайта тикланувчи, муқобил электр энергия қурилмаси жорий қилинди.

1. Лойиҳа ташкилоти номи ва у билан тузилган шартнома: “ _____ ”
(МЧЖ) _____ 20__ йилдаги _____ -сон шартнома;

2. Пудрат ташкилоти номи ва у билан тузилган шартнома: “ _____ ”
(МЧЖ) _____ 20__ йилдаги _____ -сон шартнома;

Сувни тежайдиган технологияларни, бурғиланган қудук, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини жорий этишга (қуришга) сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани ишчи гуруҳининг хулосасини беришингизни сўрайман.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банк “ _____ ” _____

Ушбу технология (насос станцияси, қурилмалар)дан камида 5 (беш) йил муддатга мақсадли ва самарали фойдаланишга кафолат бераман.

Тегишли хужжатлар илова қилинади.

“ _____ ” _____ раҳбари

_____ (имзо)

Янги интенсив боғ ва тоқзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

5-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ тумани ҳокими,
туман ишчи комиссияси раҳбари

20__ йил “__” _____

Сувни тежайдиган технологияларни, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини жорий этишга (қуришга) сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани ишчи гуруҳининг ХУЛОСАСИ

(Сувни тежайдиган технологияларни, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуришга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун)

_____ туманида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун лойиҳа асосида жорий этилган **сувни тежайдиган технологияларни, бурғуланган қудуқлар, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш** харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича _____ тумани ишчи гуруҳи 20__ йил “__” _____ даги “__”-сон “_____” фермер хўжалигининг мурожаатини ўрганиб чиқди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчисининг номи: “_____” _____;

2. Экин тури, нави ва экиш схемаси: _____ (_____
_____); _____ (_____
_____);

3. Сувни тежайдиган технологиялар ишга туширилган ва фойдаланилган экин майдони (__ га): __-рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда __ гектар;

4. Сувни тежайдиган технология тури: томчилатиб суғориш технологияси;

Субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори: __ млн сўм;

Сувни тежайдиган суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффициент: _____

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
1.	<i>Ҳовуз-тиндиргич (оқар сув таркибидаги лойқа оқизикларни ушлаб қолиш (сувни тиндириш) ҳамда суғориш учун зарур бўладиган сув захирасини сақлаш учун мўлжалланган иншоот)</i>	*
1.1.	бетон ёки темир-бетон қопламали	0,08
1.2.	геомембрана қопламали (қалинлиги ≥ 1 мм)	0,05
1.3.	бир мавсумли плёнка билан қопланган	0,02
1.4.	қопламасиз	0,01
2.	Насос станцияси	0,1
3.	Филтрлаш қурилмаси	*
3.1.	гидроциклонли, гидравлик автомат, кумли, дискли (ёки сеткали) филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,15
3.2.	кумли, дискли (ёки сеткали) филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,1
3.3.	дискли ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,05
4.	Бош (магистрал) қувурлар	*
4.1.	қалин деворли ($>5,7$ мм)	0,25
4.2.	ўртача қалин деворли (4,2-5,7 мм)	0,2
4.3.	юпқа деворли (2,0-4,1 мм)	0,15
5.	Тарқатувчи қувурлар	*
5.1.	қалин деворли ($>3,1$ мм)	0,25
5.2.	ўртача қалин деворли (2,8-3,1 мм)	0,2
5.3.	юпқа деворли (0,75-2,7 мм)	0,15
6.	Томизгичли суғориш шланглари	*
6.1.	қалин деворли ($>0,7$ мм)	0,4
6.2.	ўрта деворли (0,3-0,7 мм)	0,35
6.3.	юпқа деворли ($<0,3$ мм)	0,3
6.4.	тупроқости суғоришга мўлжалланган шланглар	0,5
7.	Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви	0,1
8.	Сув ҳисоблагич	0,05
ЖАМИ:		1,3

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидиянинг миқдори (*базавий ҳисоблаш миқдорини сифатлилик даражаси асосида белгиланадиган коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади*): ҳар бир гектарга _____ сўм;

5. Лойиҳа ташкилоти номи ва у билан тузилган шартнома:
“ _____ ” (МЧЖ) _____ 20__ й. _____-сон шартнома;

6. Пудрат ташкилот номи ва у билан тузилган шартнома: “ _____ ”
(МЧЖ) _____ 20__ й. _____-сон шартнома;

7. Тижорат банки номи: “ _____ ” АТБ _____ филиали.

ХУЛОСА:

1. “ _____ ” фермер хўжалиги томонидан:

а) жами _____ гектарда сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ва ишга туширилди;

б) сув чиқариш учун _____ метр бўлган _____ та бурғиланган қудуқ (дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун _____ метр қувур ўрнатилган) насос станциясини қуриш ишлари якунланган ва ишга туширилди;

2. Юқоридаги барча ишлар “ _____ ” (МЧЖ)нинг лойиҳаси асосида ва лойиҳага мувофиқ қурилган (жорий этилган).

Ташаббускорга ушбу технологиядан камида беш йил мобайнида фойдаланиши шарти билан Давлат бюджетидан _____ млн сўм субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Имзо, муҳр	Лавозими
1.			Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
2.			Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
3.			Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4.			Туман Молия бўлими бошлиғи
5.			Туман Ирригация бўлими бошлиғи
6.			Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгаши раиси
7.			“Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлими бошлиғи
8.			Туман лойиҳа офиси раҳбари

Янги интенсив боғ ва тоқзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ тумани ҳокими,
туман ишчи гуруҳи раҳбари

Сувни тежайдиган технологияларни, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини жорий этишга (қуришга) сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани ишчи гуруҳининг

ХУЛОСАСИ

(Қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини жорий этишга (қуришга) сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун)

_____ туманида боғ ва узум плантациялари учун электр энергиясини тежайдиган технологияларни жорий этишга субсидия ажратиш бўйича _____ тумани ишчи гуруҳи “_____” фермер хўжалиги/МЧЖ (талабгор) нинг 20__ йил “___” _____ даги ___-сон мурожаатини ўрганиб чиқди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчининг номи: “_____” (ФХ/МЧЖ);

2. Мевали боғ ёки узум тури ва нави, экиш схемаси: _____;

3. Барпо қилинаётган майдон (га): _____-рақамли контурда _____ гектар, _____ рақамли контурда _____ гектар, _____ рақамли контурда _____ гектар, жами _____ гектар;

4. Боғ ёки узум плантацияси учун талаб этиладиган жами қувват _____кВт шундан, томчилатиб суғориш технологияси учун _____кВт, бурғиланган қудуқ, шунингдек, _____ насос станцияси учун _____кВт ва бошқаларга _____кВт.

5. Муқобил электр энергияси тури: _____;

6. Қуввати: _____;

7. Панеллар сони: _____;

8. Инверторлар сони: _____;

9. Батареялар сони: _____;

10. (Муқобил электр энергияси) ускунаси сифатли ҳамда барча талаблардан келиб чиқиб, _____ га майдондаги интенсив боғ ёки узум плантациясини суғориш учун бурғиланган қудук, шунингдек, насос станцияси ҳамда жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун мос қувватда ишга туширилган.

11. Пудрат ташкилоти номи: _____;

12. Пудрат шартномаси рақами ва санаси: _____;

13. Пудрат шартномаси қиймати _____;

14. Тижорат банки номи: _____;

ХУЛОСА:

“_____” ФХга жами _____ га майдондаги боғ ёки узум плантацияси учун ушбу технологиядан камида беш йил фойдаланиш шарти билан Давлат бюджетидан жами _____ млн сўм субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ (ёки мувофиқ эмас) деб топилди.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Имзо, муҳр	Лавозими
1.			Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
2.			Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
3.			Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4.			Туман Молия бўлими бошлиғи
5.			Туман Ирригация бўлими бошлиғи
6.			Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгаши раиси
7.			“Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлими бошлиғи
8.			Туман лойиҳа офиси раҳбари

Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиха асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудук, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасининг сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

**Янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этиш лойихаси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Талабгор номи _____
2. Янги интенсив _____ (боғ, токзор ва иссиқхона) умумий майдони ____ га.
3. Томчилатиб суғориш тизими жорий этилган майдон _____ га.
4. Лойиха амалга ошириладиган жойнинг манзили _____.
5. _____ (мевали дарахт ва узум)
 - тури ва нави: _____ - кўчат сони: _____ дона
 - экиш схемаси режаси: _____ - экин майдони: _____ га.
6. Лойихани амалга ошириш муддати _____ .
7. Яратиладиган иш ўрни ____ киши.
8. Лойиханинг умумий қиймати – _____ млн сўм ёки _____ АҚШ доллари, шундан:

Молиялаштириш манбалари, млн сўм					
Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Лойиханинг умумий қиймати, млн сўм	Ташаббускорларнинг маблағлари	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва/ёки Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	Тижорат банклари кредитлари, бошқа манбалар ҳисобидан
1.	Тупроққа минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш				
2.	Мевали дарахт (ёки кўчат, узум) ниҳолларини харид қилиш ва экиш				
3.	Томчилатиб суғориш тизими ва сув чиқариш учун қудуқлар ҳамда насос станциясининг лойиха ишлари				

4.	Сув чиқариш учун кудуқлар ва насос станцияси қуриш				
5.	Томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш				
6.	Қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси				
	ЖАМИ:				

Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб, интенсив боғ ва токзор ташкил этиши бўйича лойиҳа тўлиқ ҳажмда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.

Ташкилот раҳбари _____
(Ф.И.О.)

(имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “10” июн даги 327 -сон қарорига
2-илова

**Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига токзорларда узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш, шартнома шартларини мониторинг қилиш ҳамда берилган субсидияни қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

талабгор – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ер майдони ажратилган, ерда парваришланаётган, касалланмаган, механик шикастланмаган, ҳосилдорлиги талаб даражасида ҳамда туплар сони тўлиқ бўлган токзорларда узум кўчатларини кўтариш учун шпалер ўрнатган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва бошқа юридик шахс шаклидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари;

шпалер – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан токзорларда узум кўчатларини кўтариш учун ўрнатиладиган, узунлиги 2 400 миллиметрдан 2 800 миллиметргача бўлган темир бетон, темир ва бошқа маҳсулотлардан (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) тайёрланган устун;

хулоса – токзорларда узум кўчатларини кўтариш мақсадида ўрнатилган шпалерларни (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) фойдаланишга қабул қилиш бўйича ушбу Низомнинг **1-иловасига** мувофиқ таркибда тузиладиган туман ишчи гуруҳи томонидан бериладиган ва Агентликлар томонидан субсидия ажратилиши учун асос бўладиган ҳужжат;

субсидия – талабгорнинг токзорларда узум кўчатларини шпалерга кўтариш харид қилиш харажатларининг бир дона шпалер учун 15 минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорини қоплаш учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағ;

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига субсидия ушбу Низомнинг **2-иловасига** мувофиқ схема бўйича ажратилади.

2-боб. Субсидия бериш тартиби

4. Субсидия:

хўраки ва кишмишбоп тоқзорларни барпо этган талабгорга – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан;

саноатбоп тоқзорларни барпо этган талабгорга – Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ажратилади.

Бунда, талабгор хўраки ва кишмишбоп ҳамда саноатбоп тоқзорларни барпо этган бўлса, субсидия пропорционал тарзда экин турига қараб тегишли жамғарма томонидан берилади.

5. Субсидия барпо қилинган тоқзорларда узум кўчатларини кўтариш мақсадида шпалерни ўрнатиш (қуриш) ишлари яқунлангандан сўнг фақат бир маротаба ажратилади.

6. Талабгор субсидия олиш учун барпо қилинган тоқзорларда узум кўчатларини кўтариш мақсадида шпалерни ўрнатиш (қуриш) ишлари яқунлангандан сўнг мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ушбу Низомнинг **3-иловасига** мувофиқ шаклдаги аризани ёзма ёки электрон шаклда юборади.

7. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

шпалерни сотиб олиш бўйича тузилган шартнома (кейинги ўринларда – олди-сотди шартномаси) нусхаси, сотувчи, етказиб берувчи ва талабгор ўртасида имзоланган далолатнома ҳамда ҳисоб-фактура нусхаси;

агар шпалер темир-бетон бўлса, сотувчи ва/ёки етказиб берувчининг темир-бетон маҳсулотидан тайёрланадиган шпалернинг сифатлилик сертификати нусхаси.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун талабгор шахсан жавобгар ҳисобланади.

8. Ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, туман ишчи гуруҳи томонидан сабаблари кўрсатилиб, аризани қабул қилиш рад этилади.

9. Туман ишчи гуруҳи ариза тушган кундан эътиборан беш иш кунида:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ талабгорга ажратилган ер майдонида **узум кўчатлари экилганлигини;**

шпалерлар ўрнатилганлигини ва уларнинг ушбу Низом ҳамда олди-сотди шартномасига **мувофиқлигини ва сонини аниқлаштиради;**

олди-сотди шартномасига ҳамда техник ҳужжатлар (паспорт) ва мазкур Низом талабларига мувофиқлигини ўрганади.

10. Туман ишчи гуруҳи ўрганиш натижаси юзасидан:

а) бир кун муддатда ушбу Низомнинг **4-иловасига** мувофиқ шакл бўйича қуйидаги хулосалардан бирини беради:

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида (ижобий хулоса);

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида (салбий хулоса);

б) талабгорга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулосани бир иш куни ичида талабгорга ёзма ёки электрон шаклда юборади;

в) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ талабгорга ажратилган ер майдонида узум кўчатлари экилмаганлиги ёки шпалерлар ўрнатилмаганлиги (экин майдонига нисбатан кам ўрнатилганлиги), шпалерларни ўрнатиш ишлари ва шпалерлар сифатсизлиги ушбу Низом ҳамда олди-сотди шартномасига мувофиқ эмаслиги аниқланганда ҳамда камчиликлар беш кун ичида бартараф қилинмаган тақдирда, туман ишчи гуруҳи уч кун ичида аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда талабгорга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса беришни рад этиш ҳақида қарорни қабул қилади ва бу ҳақда ёзма равишда талабгорга маълум қилади. Бунда, камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, талабгор белгиланган тартибда янгидан мурожаат қилиши мумкин;

г) узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш сифат ва самарадорлик талабларига, ускуналар ўрнатилиши ва қуриш ишларининг лойиҳа талабларига мувофиқлигини ўрганиш учун заруратга қараб махсус малакага эга бўлган мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Талабгор туман ишчи гуруҳининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда, судга шикоят қилиши мумкин.

11. Туман ишчи гуруҳи аъзолари талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокими – ишчи гуруҳи фаолиятини ташкил қилишга ва ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва расмийлаштиришга;

туман Қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи – тоқзорларда узум кўчатлари экилганлигига, шпалерлар ўрнатилганлигига, узум кўчати экилган майдоннинг ўлчами талабгорга тегишли контурда белгиланган майдон ўлчамига мувофиқлигига;

туман Молия бўлими бошлиғи – субсидия миқдорининг тўғри ҳисобланишига;

туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси – тузиладиган олди-сотди шартномаларида фермер хўжаликлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга.

12. Талабгор субсидия олиш учун туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ёки Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентликлар) ёзма ёки электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), сўралаётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги 22626-махсус ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида туман ишчи гуруҳининг хулосаси ва хулосани қабул қилишга асос бўлган ҳужжатлар нусхаси (олди-сотди шартномаси, ишлар сифатли бажариланлиги тўғрисида имзоланган далолатнома, ҳисоб-фактура);

янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этиш учун ер участкаси ажратилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

шпалерлар балансга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

ташкил қилинган токзорларда ўрнатилган шпалерлар тўғрисида ушбу Низомнинг **5-иловасига** мувофиқ шаклда маълумот.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилигига талабгор жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Агентликлар талабгорга тааллуқли бошқа маълумотларни туман ишчи гуруҳидан талаб қилиб олади.

13. Агентликлар ўн беш иш куни ичида:

талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинган ҳужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;

камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма равишда хабардор қилади. Бунда, камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, талабгор белгиланган тартибда янгидан мурожаат қилиши мумкин;

талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар ва туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасига биноан талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштиради.

14. Субсидия Агентликлар ва талабгор ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, ҳисобрақамда маблағ бўлган тақдирда, талабгорнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварақларига бир ой муддатда ўтказиб беради.

Субсидия маблағлари мақсадли бўлиб, 14-банднинг биринчи хатбошидаги қайд этилган ҳисобварақдаги маблағлар талабгорлар

томонидан шпалерлар сотиб олиш билан боғлиқ юзага келган дебитор қарздорликни қоплашга, қолган қисми ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишга йўналтирилади.

3-боб. Шартнома шартларининг бажарилишини мониторинг қилиш тартиби

15. Агентликлар туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда беш йил мобайнида шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.

16. Субсидия олган талабгор беш йилдан кам бўлмаган муддатда шпалерлардан мақсадли ва самарали фойдаланишлари лозим.

17. Талабгорнинг айби билан шпалерларга зарар етказилганда (синганда, йўқолганда), зарар етказилган шпалер учун берилган субсидия куйидагича тартибда қайтарилади:

биринчи йил - субсидиянинг 100 фоизи;

иккинчи йил - субсидиянинг 80 фоизи;

учинчи йил - субсидиянинг 60 фоизи;

тўртинчи йил - субсидиянинг 40 фоизи;

бешинчи йил - субсидиянинг 20 фоизи.

18. Шпалерлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назорат туман ишчи гуруҳи, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман (Қувасой шаҳар) бўлими ҳамда жамоатчилик назорати субъектлари томонидан амалга оширилади.

19. Туман ишчи гуруҳи шпалердан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан бир ойда камида бир марта талабгор ёки унинг вакили иштирокида мониторинг ўтказди.

Мазкур мониторинг Агентлик ташаббуси ва унинг ходимлари иштирокида ўтказилиши мумкин.

Мониторинг натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

20. Талабгор мазкур Низомнинг 16-банди талабларини бажармаган тақдирда, талабгор Агентликнинг ёки туман ишчи гуруҳининг субсидияни қайтариш ҳақидаги ёзма хабарномасини олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияни Агентликнинг тегишли махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

21. Талабгор ажратилган субсидияни белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, Агентлик томонидан субсидияни суд тартибида ундириш чоралари кўрилади.

22. Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан субсидия предметидан мақсадли фойдаланилмаётган ёки яроқсиз ҳолдалиги аниқланса, бундай ҳолатлар видеотехника воситалари орқали қайд этилиши (ёзиб олиниши) ва икки кун муддатда туман ишчи гуруҳига тақдим қилиниши мумкин.

23. Туман ишчи гуруҳи Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича келиб тушган видеоёзувларни

қабул қилингандан сўнг уч иш куни мобайнида талабгор ёки унинг ваколатли ходими иштирокида ўрганади.

Ўрганиш натижалари туман ишчи гуруҳи томонидан уч иш куни ичида мурожаат қилган шахсга ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

24. Жамоатчилик назорати субъекти томонидан юборилган хабар ўз тасдиғини топган тақдирда у тегишли Агентлик томонидан рағбатлантирилади.

Рағбатлантириш талабгордан ундирилган субсидиянинг беш фоизи миқдорида амалга оширилади. Пул мукофоти маълумотни тақдим қилган шахснинг банк картасига ўтказиб берилади. Бунда, ушбу ўтказиб берилган маблағлар Агентликка етказилган зарар сифатида баҳоланиб, субсидия шартларини бажармаган талабгор ҳисобидан қопланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Ҳар йилги ажратиладиган субсидия тўғрисидаги маълумотлар Агентликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

26. Агентликлар ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда талабгор томонидан шпалердан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти узум кўчатларини шпалерга кўтариш бўйича сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун тақдим этилган субсидиялардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа
синувчан устунлардан ташқари) кўтариш
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Токзорларда узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан
устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини
қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани
ишчи гуруҳининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

Т/р	Ишчи гуруҳ аъзоси
1	Туман ҳокими, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i>
2	Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i>
3	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4	Туман Молия бўлими бошлиғи
5	Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
6	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими, <i>ишчи гуруҳ котиби</i>

Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан
устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир
қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига
узум кўчатларини шпалерга кўтариш харажатларини қоплаш учун
субсидия ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгорлар	Мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.	Ишлар тўлиқ бажарилганидан сўнг
2-босқич	Туман ишчи гуруҳи	1. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ижобий хулоса беради. 2. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлмаса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан салбий хулоса беради ва хужжатларни талабгорга қайтаради.	5 иш кун ичида

3-босқич	Талабгорлар	Агентликларга ёзма ёки электрон шаклда тегишли хужжатларни тақдим қилади.	Туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг
4-босқич	Агентликлар	<p>1. Талабгор томонидан тақдим қилинган хужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;</p> <p>2. Камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.</p> <p>3. Талабгор томонидан тақдим қилинган хужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномани расмийлаштиради.</p>	15 иш куни ичида
5-босқич	Агентликлар	Агентлик субсидияни талабгорга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварағига ўтказиб берилади.	1 ой ичида
6-босқич	Агентликлар	Туманлар (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.	Субсидия ажратилганидан сўнг 5 йил мобайнида

Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Токзорларда узум кўчатларини шпалерга
(ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари)
кўтариш харажатларининг бир қисмини
қоплаш учун субсидия ажратишга
кўмаклашувчи _____ тумани
ишчи гуруҳига**

“ _____ ” _____ раҳбари
_____ томонидан

АРИЗА

_____ худудида фаолият кўрсатаётган “ _____ ” фермер хўжалиги (МЧЖ) 20__ йил жами __ гектар ер участкасида, жумладан, __ - рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда __ гектар экин майдонида ташкил қилинган токзорларда узум кўчатларини кўтариш мақсадида _____ та шпалер сотиб олиниб, ўрнатилди.

Шпалер етказиб берувчи “ _____ ” (МЧЖ) билан “ _____ ” _____ 20__ йил _____ даги _____-сон шартнома имзоланган ҳамда шартнома предметидаги ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи томонлар ўртасида далолатномалар имзоланди.

1. Экин ва шпалер тўғрисида маълумот:

тури ва нави: _____ - кўчат сони: _____ та, экиш схемаси _____, майдони _____ га, _____ - контур, шпалер сони _____ та ва тури _____;

тури ва нави: _____ - кўчат сони: _____ та, экиш схемаси _____, майдони _____ га, _____ - контур, шпалер сони _____ та ва тури _____;

2. Тижорат банки номи: “ _____ ” АТБ _____ филиали ва 22626-махсус ҳисобварағи _____.

Токзорларда узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани ишчи гуруҳининг хулосасини беришингизни сўрайман.

Ушбу шпалерлардан камида 5 (беш) йил муддатга мақсадли, самарали ва шикаст етказмаган ҳолда фойдаланишга кафолат бераман.

Тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

“ _____ ” фермер хўжалиги (МЧЖ) раҳбари _____

Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан
устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир
қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ тумани ҳокими, туман ишчи гуруҳи раҳбари

20__ йил “__” _____

**Узум кўчатларини шпалерга кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш
учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг
ХУЛОСАСИ**

_____ туманида ток кўчатларини шпалерга кўтариш
харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича туман ишчи
гуруҳи “_____” нинг 20__ йил “__”даги “_____”-сон мурожаатини ўрганиб
чиқди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчининг номи: “_____” (ФХ/МЧЖ);
2. Узум тури ва нави, экиш схемаси: _____;
3. Барпо қилинаётган майдон (га): жами _____ гектар, шундан _____-рақамли контурда
_____ гектар, _____ рақамли контурда _____ гектар, _____ рақамли контурда _____
гектар;
4. Узум плантациясида ўрнатилган жами шпалерлар сони _____ дона;
5. Шпалерларнинг ҳолати: _____;
6. Пудрат ташкилоти номи: _____;
7. Пудрат шартномаси рақами ва санаси: _____;
8. Пудрат шартномаси қиймати _____;
10. Тижорат банки номи: _____.

ХУЛОСА:

“_____” га Давлат бюджетидан жами _____ млн сўм субсидия ажратиш
мақсадга мувофиқ (ёки мувофиқ эмас) деб топилди.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Имзо, муҳр	Лавозими
1.			Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари</i>
2.			Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
3.			Агентликнинг туман лойиҳа офиси раҳбари
4.			Туман Молия бўлими бошлиғи
5.			Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
6.			Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
7.			Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими, <i>ишчи гуруҳ котиби</i>

Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан
устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир
кисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Ташкил қилинган тоқзорларда ўрнатилган шпалерлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Талабгор номи _____
2. Тоқзорнинг умумий майдони ___ га ва манзили _____
3. Шпалер ўрнатилган майдон _____ га.
4. Узум тури ва нави:
тури ва нави: _____ - кўчат сони: _____ та, экиш схемаси: _____, шпалер сони _____ та
тури ва нави: _____ - кўчат сони: _____ та, экиш схемаси: _____, шпалер сони _____ та
5. Яратиладиган иш ўрни _____ киши.
6. Умумий қиймати - _____ млн сўм ёки _____ АҚШ доллари, шундан:

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Умумий қиймати, млн сўм	Молиялаштириш манбалари, млн сўм		
			ташаббускор -ларнинг маблағлари	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва/ёки Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	Тижорат банклари кредитлари, бошқа манбалар ҳисобидан
1.	Агротехник тадбирлар (ер хайдаш, чизеллаш, ерни текислаш ва бошқа ишлар)				
2.	Тупроққа минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш				
3.	Ток кўчатларини харид қилиш ва экиш				
4.	Шпалерга кўтариш				
5.	Бошқа харажатлар				
	ЖАМИ:				

Келтирилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигига ҳамда ишларнинг сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.

Ташкилот раҳбари _____

(Ф.И.О.)

(имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “10” июн даги 327 -сон қарорига
3-илова

**Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш, шартнома шартлари бажарилишини мониторинг қилиш ҳамда берилган субсидияни қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

субсидия – талабгорнинг узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг 20 фоизи, бироқ 300 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағ;

талабгор – 2021 йилда ёки ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилган узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилган (харид қиладиган) ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер майдонида уни ўрнатиб, сарфланган харажатларининг бир қисмини қоплаб берилишини сўраб мурожаат қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси;

хулоса – узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ таркибда тузиладиган субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳи томонидан бериладиган ва белгиланган тартибда субсидия ажратиш учун асос бўладиган ҳужжат;

узум қуритиш линиялари – механик усулда, қуёш ва шамол ёрдамида ёки иссиқ ҳаво ҳайдаш орқали узумни қуритиш учун ўрнатилган ускуналар занжири;

узум (майиз) қадоқлаш линиялари – қуритилган узумни қадоқлаш учун ўрнатилган махсус ускуналар занжири;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва бошқа юридик шахс шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар.

2-боб. Субсидия бериш тартиби

3. Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидия ушбу Низомнинг **2-иловасига** мувофиқ схема бўйича ажратилади.

4. Субсидия узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ўрнатиш ва қуриш ишлари якунлангандан сўнг ажратилади.

5. Талабгор субсидия олиш учун:

узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ўрнатиш ва қуриш ишлари якунлангандан сўнг мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ушбу Низомнинг **3-иловасига** мувофиқ шаклдаги аризани ёзма ёки электрон шаклда юборади.

6. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини қуриш учун ер участкаси ажратилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси (ер участкаси ажратилганлиги тўғрисида туман ҳокими қарори, ер участкасига тузилган узоқ муддатли ижара шартномаси);

узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ўрнатиш ва қуриш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси;

амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси (узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) билан тузилган шартнома, ҳисоб-фактура, тўлов ҳужжатлари ёки солиштирма далолатнома, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, туман ишчи гуруҳи томонидан аризани қабул қилиш рад этилади.

8. Туман ишчи гуруҳи:

а) талабгорнинг мурожаатидан келиб чиқиб, **беш иш куни** ичида талабгорга тегишли ҳудудда узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линиялари ишга туширилганлиги бўйича жойига чиққан ҳолда **ўрганиш ўтказди**. Бунда:

ўрнатилган линия ва ускуналар 2021 йил ва ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилганлиги;

талабгор ва пудрат ташкилотлари вакили иштирокида узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини қуриш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлиги;

қуритиш ва қадоқлаш линияларининг олди-сотди шартнома шартларига ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳамда техник ҳужжатлар (паспорт) талабларига мувофиқлиги ва янгилиги ўрганилади;

б) узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг 20 фоизигача, бироқ 300 млн (уч юз миллион) сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия суммасини **аниқлайди**;

в) ўрганиш натижаси юзасидан ишчи гуруҳ бир кун муддатда ушбу Низомнинг **4-иловасига** мувофиқ шакл бўйича бир иш куни ичида қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади ва тегишли хулосани талабгорга ёзма ёки электрон шаклда юборади:

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида (ижобий хулоса);

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида (салбий хулоса);

г) ижобий хулоса расмийлаштирилган тақдирда, хулосанинг икки нусхаси талабгорга тақдим этилади ва учинчи нусхаси туман ишчи гуруҳида сақланади;

д) салбий хулоса расмийлаштирилган тақдирда, талабгор камчиликларни бартараф этиб, умумий тартибда мурожаат қилиши мумкин.

Туман ишчи гуруҳи узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линиялари сифат ва самарадорлик талабларига, ускуналар ўрнатилиши ва қуриш ишларининг лойиҳа талабларига мувофиқлигини ўрганиш учун заруратга қараб махсус малакага эга бўлган мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Туман ишчи гуруҳи раҳбари ва аъзолари хулосанинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун масъул ҳисобланади.

Талабгор туман ишчи гуруҳининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда, судга шикоят қилиши мумкин.

9. Туман ишчи гуруҳи аъзолари талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокими – ишчи гуруҳи фаолиятини ташкил қилишга ва ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва мувофиқлаштиришга,

туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи – узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ўрнатиш ва қуриш ишлари якунланганидан сўнг лойиҳа талабларига мувофиқ бажарилганлиги, улар сифатли ҳамда барча техник талаблардан келиб чиқиб қурилганлиги эътиборга олиниб, харид қилиш харажатларининг 20 фоизи, бироқ 300 млн (уч юз миллион) сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия суммасини аниқлашга;

туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи– узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларидан тўғри ва мақсадли фойдаланиш юзасидан даврий равишда назорат олиб боришга;

туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи – пудрат (ёки ускуна етказиб берувчи) ташкилотлари билан тузиладиган шартномаларда талабгорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга.

10. Талабгор субсидия олиш учун узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ўрнатиш ва қуриш ишлари яқунлангандан сўнг ушбу Низомнинг **5-иловасига** мувофиқ шакл бўйича Агентликка ёзма ёки электрон шаклда қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), сўралаётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги 22626-махсус ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

талабгорга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида туман ишчи гуруҳининг хулосаси, қабул қилишга асос бўлган ҳужжатлар нусхаси (лойиҳа ҳужжатлари, пудрат шартномалари, ишлар бажарилганлиги тўғрисида тузилган далолатнома, тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси);

узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини қуриш учун ер участкаси ажратилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси.

қуриб битказилган узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияси талабгор балансига олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

Агентлик талабгорга тааллуқли бошқа маълумотларни туман ишчи гуруҳларидан талаб қилиб олади.

11. Агентлик **ўн беш иш куни** ичида:

талабгор томонидан тақдим қилинган ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини **ўрганиб чиқади**;

камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма равишда **хабардор қилади**. Бунда, камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, талабгор умумий тартибда мурожаат қилиши мумкин;

талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар ва туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасига биноан талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштиради.

12. Субсидия Агентлик ва талабгор ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварақларига бир ой муддатда ўтказиб берилади.

3-боб. Шартнома шартларининг бажарилишини мониторинг қилиш тартиби

13. Агентлик туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими билан биргаликда беш йил мобайнида шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.

14. Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини ўрнатиш ва қуриш ишлари якунлангандан сўнг ҳаражатларнинг бир қисми қоплаш учун субсидия олган талабгор субсидия предметидан беш йилдан кам бўлмаган муддатда мақсадли ва самарали фойдаланишлари лозим.

15. Агар узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларидан мақсадли фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланса, ажратилган субсидия қуйидагича тартибда қайтарилади:

- биринчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 100 фоизи;
- иккинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 80 фоизи;
- учинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 60 фоизи;
- тўртинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 40 фоизи;
- бешинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 20 фоизи.

16. Субсидиядан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назорат туман ишчи гуруҳи, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман (Қувасой шаҳар) бўлими ҳамда жамоатчилик назорати субъектлари томонидан амалга оширилади.

17. Туман ишчи гуруҳи субсидия предметидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан бир ойда камида бир марта назорат олиб боради.

Мазкур мониторинг Агентлик ташаббуси ва унинг ходимлари иштирокида ўтказилиши мумкин.

Мониторинг натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

18. Талабгор мазкур Низомнинг 14-банди талабларини бажармаган тақдирда, талабгор Агентликнинг ёки туман ишчи гуруҳининг субсидияни қайтариш ҳақидаги ёзма хабарномасини олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияни Агентликнинг тегишли махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

19. Талабгор ажратилган субсидияни белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, Агентлик томонидан субсидияни суд тартибида ундириш чоралари кўрилади.

20. Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан субсидия предметидан мақсадли фойдаланилмаётган ёки яроқсиз ҳолдалиги аниқланса, бундай ҳолатлар видеотехника воситалари орқали қайд этилиши (ёзиб олиниши) ва икки кун муддатда туман ишчи гуруҳига тақдим қилиниши мумкин.

21. Туман ишчи гуруҳи Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича келиб тушган видеоёзувларни

қабул қилингандан сўнг уч иш куни мобайнида талабгор ёки унинг ваколатли ходими иштирокида ўрганади.

Ўрганиш натижалари туман ишчи гуруҳи томонидан уч иш куни ичида мурожаат қилган шахсга ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

22. Жамоатчилик назорати субъекти томонидан юборилган хабар ўз тасдиғини топган тақдирда у тегишли Агентлик томонидан рағбатлантирилади.

Рағбатлантириш талабгордан ундирилган субсидиянинг беш фоизи миқдорида амалга оширилади. Пул мукофоти маълумотни тақдим қилган шахснинг банк картасига ўтказиб берилади. Бунда, ушбу ўтказиб берилган маблағлар Агентликка етказилган зарар сифатида баҳоланиб, субсидия шартларини бажармаган талабгор ҳисобидан қопланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Ҳар йилги ажратиладиган субсидия тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

24. Агентлик ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда талабгор томонидан субсидия предметидан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун тақдим этилган субсидиядан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини
харид қилиш харажатларининг бир қисмини
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш
харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидия
ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

Т/р	Ишчи гуруҳ аъзоси
1	Туман ҳокими, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i>
2	Туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i>
3	Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи
4	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
5	Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
6	тижорат банк раҳбари (хизмат кўрсатувчи)
7	Туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи, <i>ишчи гуруҳ котиби</i>

Узум (майиз) куритиш ва қадоқлаш линияларини
харид қилиш харажатларининг бир қисмини
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Узум (майиз) куритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш
харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгор	Мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади	Ишлар тўлиқ бажарилган идан сўнг
2-босқич	Туман ишчи гуруҳи	1. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ижобий хулоса беради. 2. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлмаса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан салбий хулоса беради ва хужжатларни талабгорга қайтаради.	5 иш куни ичида
3-босқич	Талабгор	Агентликга ёзма ёки электрон шаклда тегишли хужжатларни тақдим қилади.	Туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг

4-босқич	Агентлик	<p>1. Талабгор томонидан тақдим қилинган хужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;</p> <p>2. Камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.</p> <p>3. Талабгор томонидан тақдим қилинган хужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномани расмийлаштиради.</p>	15 иш куни ичида
5-босқич	Агентлик	Агентлик субсидияни талабгорга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварағига ўтказиб берилади.	1 ой ичида
6-босқич	Агентлик	Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими билан биргаликда шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.	Субсидия ажратилган идан сўнг 5 йил мобайнида

Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги
низомага 3-илова

**Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш
линияларини харид қилиш
харажатларининг бир қисмини қоплаб
бериш учун субсидия ажратишга
кўмаклашувчи _____ тумани
ишчи гуруҳига**

“ _____ ” _____ раҳбари
_____ томонидан

АРИЗА

_____ худудида фаолият юритаётган
_____ (худуд номи)

_____ туманида куйидаги ишларни бажардим.
(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси номи)

Хусусан,

Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи
_____ тумани ишчи гуруҳининг хулосасини беришингизни сўрайман.

Тегишли хужжатлар илова қилинади.

“ _____ ” фермер хўжалиги (МЧЖ) раҳбари _____

Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ туман ҳоқими,
туман ишчи гуруҳи раҳбари

Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг

ХУЛОСАСИ

_____ туманида узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилишга субсидия ажратиш бўйича _____ туман ишчи гуруҳи “_____” нинг 20__ йил “__” _____ даги “__”-сон мурожаатини ўрганиб чиқди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Ташкилот номи: “_____”;
2. Ускунанинг тури: _____;
3. Ускунанинг қуввати ва ишлаб чиқарилган йили: _____;
4. Ускуна ишлаб чиқарилган давлат, ускуна ишлаб чиқарувчи ташкилот номи: _____;
5. Ускуна нархи: _____;
6. Шартнома санаси ва рақами: _____;
7. Ускуна нархининг 20%гача (300 млн сўмдан ортиқ бўлмаган): _____;
8. Тижорат банки номи: _____;

ХУЛОСА:

“_____” га _____ млн сўм субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ (ёки мувофиқ эмас) деб топилди.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Имзо, муҳр	Лавозими
1			Туман ҳоқимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари
2			Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи
3			Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

4			Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
5			Тижорат банки раҳбари (хизмат кўрсатувчи)
6			Туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи, <i>ишчи гуруҳ котиби</i>

Узум (майиз) куришиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги
низомага 5-илова

**Боғдорчилик ва иссиқхона
хўжалигини ривожлантириш
агентлигига**

АРИЗА

_____ худудида фаолият юритаётган
_____ (худуд номи)

_____ туманида куйидаги ишларни бажардим.
(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси номи)

Хусусан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни
ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни
жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча
чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5200-сон қарори асосида
белгиланган субсидия ажратилишини сўрайман.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи

Субсидия олиш учун амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига
мувофиқ ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмоқдаман. Уларнинг
ҳақиқийлигини кафолатлайман.

Илова:

Талабгор

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “10” июндаги 327 -сон қарорига
4-илова

Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ишлаб чиқариш ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ишлаб чиқариш кластерлари томонидан виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш, шартнома шартларини мониторинг қилиш ҳамда берилган субсидияни қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

талабгор – виночилик асбоб-ускуналарини харид қилган ишлаб чиқариш ташкилоти;

хулоса – виночилик асбоб-ускуналари харид қилганлигини тасдиқлаш бўйича ушбу Низомнинг **1-иловасига** мувофиқ таркибда тузиладиган туман ишчи гуруҳи томонидан бериладиган ва белгиланган тартибда субсидия ажратилиши учун асос бўладиган хужжат;

субсидия – талабгорнинг ҳар бир виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг 20 фоизи, бироқ 300 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) нинг Виночиликни ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағ;

виночилик асбоб-ускуналари – ишлаб чиқариш ташкилотлари томонидан вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлашда фойдаланиш учун мўлжалланган, энергия тежовчи, ресурстежамкор ва замонавий ишлаб чиқариш воситалари.

2-боб. Субсидияни бериш тартиби

3. Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилган ишлаб чиқариш ташкилотларига субсидия ушбу Низомнинг **2-иловасига** мувофиқ схема бўйича ажратилади.

4. Субсидия харид қилинган виночилик асбоб-ускуналари ўрнатилиб, тўлиқ ишга туширилгандан сўнг фақат бир мартаба ажратилади.

5. Талабгор субсидия олиш учун виночилик асбоб-ускуналари ўрнатилиб, тўлиқ ишга туширилгандан сўнг мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ушбу Низомнинг **3-иловасига** мувофиқ шаклдаги аризани ёзма ёки электрон шаклда юборади.

6. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

виночилик асбоб-ускуналарини сотиб олиш мақсадида тузилган шартнома нусхаси, ҳисоб-фактура нусхаси, тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (агар импорт қилинган асбоб-ускуна бўлса божхона юк декларацияси);

виночилик асбоб-ускуналарининг паспорти;

виночилик асбоб-ускуналари ишга туширилганлиги тўғрисида далолатнома.

Бунда харид қилинган виночилик асбоб-ускуналари 2021 йил ва ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилган, замонавий, энергия тежовчи ва ресурстежамкор бўлиши шарт.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, туман ишчи гуруҳи томонидан сабаблари кўрсатилиб, аризани қабул қилиш рад этилади.

8. Туман ишчи гуруҳи:

а) талабгорнинг мурожаатидан келиб чиқиб, беш иш кун муддатда ўрнатилган виночилик асбоб-ускуналари 2021 йил ва ундан кейинги йилларда ишлаб чиқарилганлигини, тўлиқ ишга туширилганлигини, энергия ва ресурс тежамкорлигини ҳамда уларнинг ушбу Низом ҳамда шартномага мувофиқлигини ўрганади.

б) виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг 20 фоизигача, бироқ 300 млн (уч юз миллион) сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия суммасини аниқлайди;

в) ўрганиш натижаси юзасидан ишчи гуруҳ бир кун муддатда ушбу Низомнинг **4-иловасига** мувофиқ шакл бўйича бир иш куни ичида қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади ва тегишли хулосани талабгорга ёзма ёки электрон шаклда юборади:

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида (ижобий хулоса);

талабгорга субсидия ажратишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида (салбий хулоса);

г) ижобий хулоса расмийлаштирилган тақдирда, хулосанинг икки асл нусхаси талабгорга тақдим этилади ва бир нусхаси туман ишчи гуруҳида сақланади;

д) салбий хулоса расмийлаштирилган тақдирда, талабгор камчиликларни бартараф этиб, белгиланган тартибда янгидан мурожаат қилиши мумкин.

Туман ишчи гуруҳи виночилик асбоб-ускуналарини ўрганиш учун заруратга қараб махсус малакага эга бўлган мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Туман ишчи гуруҳи раҳбари ва аъзолари хулосанинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун масъул ҳисобланади.

Талабгор туман ишчи гуруҳининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда, суд органларига шикоят қилиши мумкин.

9. Туман ишчи гуруҳи аъзолари талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокими - ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, кичик саноат зоналари ва туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва расмийлаштиришга;

туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи – ўрнатилган виночилик асбоб-ускуналарининг 2021 йилдан кейинги йилларда ишлаб чиқарилгани, ўрнатилган виночилик асбоб-ускуналарининг ҳақиқатда тўлиқ ишга туширилганлигига;

туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи – ҳамкор билан тузилган шартномаларда корхонанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга.

10. Талабгор субсидия олиш учун туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг Агентликка ушбу Низомнинг **5-иловасига** мувофиқ шакл бўйича ёзма ёки электрон шаклда ариза беради ва қуйидаги ҳужжатларни аризага илова қилади:

юримдик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), сўралаётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги 22626-махсус ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

талабгор субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида туман ишчи гуруҳининг хулосаси ва хулосани қабул қилишга асос бўлган ҳужжатлар нусхаси (шартнома нусхаси, ҳисоб-фактура нусхаси, тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси);

ўрнатилган виночилик асбоб-ускуналари балансга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

Агентлик талабгорга тааллуқли бошқа маълумотларни туман ишчи гуруҳларидан талаб қилиб олади.

11. Агентлик ўн беш иш куни ичида:

талабгор томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;

камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма равишда хабардор қилади. Бунда, камчиликлар бартараф

этилганидан сўнг, талабгор белгиланган тартибда янгидан мурожаат қилиши мумкин;

талабгор томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасига биноан талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномани расмийлаштиради.

12. Субсидия Агентлик ва талабгор ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварақларига бир ой муддатда ўтказиб беради.

3-боб. Шартнома шартларининг бажарилишини мониторинг қилиш тартиби

13. Агентлик туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими билан биргаликда беш йил мобайнида шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.

14. Субсидия олган талабгор беш йилдан кам бўлмаган муддатда ўрнатилган виночилик асбоб-ускуналаридан мақсадли ва самарали фойдаланишлари лозим.

15. Ўрнатилган виночилик асбоб-ускуналари талабгорнинг айби билан мақсадли ва самарали ишлатилмаган тақдирда, берилган субсидия куйидагича тартибда қайтарилади:

биринчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 100 фоизи;

иккинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 80 фоизи;

учинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 60 фоизи;

тўртинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 40 фоизи;

бешинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 20 фоизи.

16. Субсидиядан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назорат туман ишчи гуруҳи, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман (Қувасой шаҳар) бўлими ҳамда жамоатчилик назорати субъектлари томонидан амалга оширилади.

17. Туман ишчи гуруҳи субсидия предметидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан бир ойда камида бир марта назорат олиб боради.

Мазкур мониторинг Агентлик ташаббуси ва унинг ходимлари иштирокида ўтказилиши мумкин.

Мониторинг натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

18. Талабгор мазкур Низомнинг 14-банди талабларини бажармаган тақдирда, талабгор Агентликнинг ёки туман ишчи гуруҳининг субсидияни қайтариш ҳақидаги ёзма хабарномасини олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияни Агентликнинг тегишли махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

19. Талабгор ажратилган субсидияни белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, Агентлик томонидан субсидияни суд тартибда ундириш чоралари кўрилади.

20. Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан субсидия предметидан мақсадли фойдаланилмаётган ёки яроқсиз ҳолдалиги аниқланса, бундай ҳолатлар видеотехника воситалари орқали қайд этилиши (ёзиб олинishi) ва икки кун муддатда туман ишчи гуруҳига тақдим қилиниши мумкин.

21. Туман ишчи гуруҳи Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича келиб тушган видеоёзувларни қабул қилингандан сўнг уч иш куни мобайнида талабгор ёки унинг ваколатли ходими иштирокида ўрганади.

Ўрганиш натижалари туман ишчи гуруҳи томонидан уч иш куни ичида мурожаат қилган шахсга ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

22. Жамоатчилик назорати субъекти томонидан юборилган хабар ўз тасдиғини топган тақдирда у тегишли Агентлик томонидан рағбатлантирилади.

Рағбатлантириш талабгордан ундирилган субсидиянинг беш фоизи миқдорида амалга оширилади. Пул мукофоти маълумотни тақдим қилган шахснинг банк картасига ўтказиб берилади. Бунда, ушбу ўтказиб берилган маблағлар Агентликка етказилган зарар сифатида баҳоланиб, субсидия шартларини бажармаган талабгор ҳисобидан қопланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Ҳар йилги ажратиладиган субсидия тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

24. Агентлик туман ишчи гуруҳлари билан биргаликда талабгор томонидан виночилик асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти виночилик асбоб-ускуналари учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун тақдим этилган субсидиялардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга
сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга сарфланган
харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга
кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

Т/р	Ишчи гуруҳ аъзоси
1	Туман ҳокими, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i>
2	Туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i>
3	Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи
4	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
5	Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
6	Туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи, <i>ишчи гуруҳ котиби</i>

Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга
сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга сарфланган
харажатларнинг бир қисмини қоплаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгорлар	Мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади	Ишлар тўлиқ бажарилгани дан сўнг
2-босқич	Туман ишчи гуруҳи	1. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ижобий хулоса беради. 2. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлмаса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан салбий хулоса беради ва хужжатларни талабгорга қайтаради.	5 иш куни ичида
3-босқич	Талабгорлар	Агентликларга ёзма ёки электрон шаклда тегишли хужжатларни тақдим қилади.	Туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг

4-босқич	Агентликлар	<p>1. Талабгор томонидан тақдим қилинган хужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;</p> <p>2. Камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.</p> <p>3. Талабгор томонидан тақдим қилинган хужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномани расмийлаштиради.</p>	15 иш куни ичида
5-босқич	Агентликлар	<p>Агентлик субсидияни талабгорга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварағига ўтказиб берилади.</p>	1 ой ичида
6-босқич	Агентликлар	<p>Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими билан биргаликда шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.</p>	Субсидия ажратилгани дан сўнг 5 йил мобайнида

Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга
сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

туман ишчи гуруҳига

АРИЗА

_____ худудида фаолият юритаётган
(худуд номи)

_____ туманида қуйидаги ишларни бажардим.
(талабгор ташкилот номи)

Хусусан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5200-сон қарори асосида бажарилган ишлар учун хулоса беришингизни сўрайман.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи _____

Субсидия олиш учун амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмоқдаман. Уларнинг ҳақиқийлигини кафолатлайман.

Илова:

Талабгор

Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ тумани ҳокими, туман ишчи комиссияси раҳбари
_____ Ф.И.О
2021 йил “__” _____

Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани ишчи гуруҳининг ХУЛОСАСИ

_____ туманида виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга субсидия ажратиш бўйича _____ тумани ишчи гуруҳи “_____” нинг 20__ йил “__” даги “_____”-сон мурожаатини ўрганиб чиқди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Ташкилот номи: “_____” ;
2. Ускунанинг тури: _____ ;
3. Ускунанинг қуввати ва ишлаб чиқарилган йили : _____ ;
4. Ускуна ишлаб чиқарилган давлат, ускуна ишлаб чиқарувчи номи: _____ ;
5. Ускуна нархи: _____ ;
6. Шартнома санаси ва рақами: _____ ;
7. Ускуна нархининг 20% (300 млн сўмдан ортиқ бўлмаган) : _____ ;
8. Тижорат банки номи: _____ .

ХУЛОСА:

“_____” га жами _____ млн.сўм субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ (мувофиқ эмас) деб топилди.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Имзо, муҳр	Лавозими
1.			Туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни

			ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари</i>
2.			Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи
3.			Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
4.			Туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
5			Туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи, <i>ишчи гуруҳ котиби.</i>

Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилишга
сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Ўзбекистон Республикаси
Алкоголь ва тамаки бозорини
тартибга солиш ҳамда виночиликни
ривожлантириш агентлигига

АРИЗА

_____ худудида фаолият юритаётган
(худуд номи)

_____ туманида қуйидаги ишларни бажардим.
(талабгор таъкилот номи)

Хусусан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5200-сон қарори асосида белгиланган субсидия ажратилишини сўрайман.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи

Тижорат банкида очилган маҳсус ҳисобварақ _____

Субсидия олиш учун қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмоқдаман. Уларнинг ҳақиқийлигини кафолатлайман.

Илова:

Талабгор _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “10” _____ ИЮН даги 327 -сон қарорига
5-илова

**Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан
узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда
ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда)
ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг
бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш, шартнома шартларини мониторинг қилиш ҳамда берилган субсидияни қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

талабгор – узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ва табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ҳамда бренди (коньяк) маҳсулотларини экспорт қиладиган маҳаллий ишлаб чиқариш корхонаси ва/ёки кластерлари;

хулоса – талабгор томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ва табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ҳамда бренди (коньяк) маҳсулотлари экспорт қилинганлигини тасдиқлаш бўйича ушбу Низомнинг **1-иловасига** мувофиқ таркибда тузиладиган туман ишчи гуруҳи томонидан бериладиган ва белгиланган тартибда субсидия ажратиш учун асос бўладиган ҳужжат;

субсидия – талабгорнинг узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ва табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ҳамда бренди (коньяк) маҳсулотларини экспорт қилинганлиги учун ҳар бир литрга беш минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) нинг Виночиликни ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағ;

узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ва табиий равишда ачитилган табиий вино – майдаланган янги узум ва мева-резаворларни ёки узум ва мева-резаворлар суслосини тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган ҳолда бижғитилган, концентрланган узум ва мева-резаворлар шарбати ва/ёки концентрланган узум ва мева-резаворлар суслосини ва/ёки ректификатланган концентраланган узум ва мева-резаворлар суслосини ва/ёки узум ва мева-резаворлар вакуум суслоси қўшилган ёки қўшилмаган ҳолда, қуйишдан олдин сақланган ва сақланмаган, этил

спиртининг ҳажмий улуши 8,5 дан 15 фоизни ташкил этган ва умумий этил спиртининг ҳажмий улуши 15 фоиздан ортиқ бўлмаган вино маҳсулоти;

бренди (коньяк) – эман бочкаларида ва/ёки зангламас металллардан тайёрланган сиғимларда ёки эмалланган сиғимларда эман клепкалари билан олти ойдан уч йил давомида етилтирилган, бренди (коньяк) виноматериалларини фракцион дистилляция қилиш йўли билан олинган бренди (коньяк) дистиллятларидан тайёрланган, этил спиртини ҳажмий улуши 36 фоиздан кам бўлмаган виночилик маҳсулоти.

2-боб. Субсидияни бериш тартиби

3. Субсидия ушбу Низомнинг **2-иловасига** мувофиқ схема бўйича берилади.

4. Талабгор субсидия олиш учун экспорт фаолиятини амалга оширишганидан сўнг мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ушбу Низомнинг **3-иловасига** мувофиқ шаклдаги аризани ёзма ёки электрон шаклда юборади.

5. Аризага хорижий ҳамкор билан тузилган шартнома (контракт), божхона юк декларацияси, ҳисоб-фактура (инвойс) ҳамда хорижий ҳамкор томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар учун тўлиқ тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинади.

6. Ушбу Низомнинг **5-бандида** кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, туман ишчи гуруҳи томонидан сабаблари кўрсатилиб, аризани қабул қилиш рад этилади.

7. Туман ишчи гуруҳи ариза тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида:

талабгор ҳамда хорижий ҳамкор ўртасида тузилган шартноманинг ҳаққонийлигини;

талабгор томонидан ҳақиқатда экспорт амалга оширилганлигини;

хорижий ҳамкор томонидан экспорт қилинган маҳсулот учун тўлов тўлиқ амалга оширилганлигини ўрганади.

8. Туман ишчи гуруҳи ўрганиш натижаси юзасидан ушбу Низомнинг **4-иловасига** мувофиқ шакл бўйича бир иш куни ичида қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади ва тегишли хулосани талабгорга ёзма ёки электрон шаклда юборади:

а) талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ижобий хулоса беради;

б) талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлмаса ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан салбий хулоса беради.

9. Туман ишчи гуруҳи:

ижобий хулоса расмийлаштирилган тақдирда, хулосанинг икки асл нусхаси талабгорга тақдим этилади ва бир нусхаси туман ишчи гуруҳида сақланади;

салбий хулоса расмийлаштирилган тақдирда, талабгор камчиликларни бартараф этиб, белгиланган тартибда янгидан мурожаат қилиши мумкин.

10. Туман ишчи гуруҳи раҳбари ва аъзолари хулосанинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун масъул ҳисобланади.

Талабгор туман ишчи гуруҳининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда, суд органларига шикоят қилиши мумкин.

11. Туман ишчи гуруҳи аъзолари талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокими – ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

туман ҳокимининг Инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари - субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва расмийлаштиришга;

туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи - талабгор ҳамда хорижий ҳамкор томонидан тузилган шартномаларнинг ҳаққонийлигига ҳамда талабгор томонидан ҳақиқатдан экспорт амалга оширилганлигига;

хизмат кўрсатувчи тижорат банки раҳбари – талабгор томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар учун тўлов тўлиқ амалга оширилганлигига;

туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи - хорижий ҳамкор билан талабгор ўртасида тузилган шартномаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга.

12. Талабгор субсидия олиш учун туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг тегишли Агентликка ушбу Низомнинг **5-иловасига** мувофиқ шакл бўйича ёзма ёки электрон шаклда ариза беради ва қуйидаги ҳужжатларни аризага илова қилади:

юрidik шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), сўралаётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги 22626-махсус ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

талабгорга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида туман ишчи гуруҳининг хулосаси ва хулосани қабул қилишга асос бўлган ҳужжатлар нусхаси (шартнома, божхона юк декларацияси, ҳисоб-фактура, хорижий ҳамкор томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар учун тўлиқ тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар).

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

Агентлик талабгорга тааллуқли бошқа маълумотларни туман ишчи гуруҳларидан талаб қилиб олади.

13. Агентлик ўн беш иш куни ичида:

талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинган ҳужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;

камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма равишда хабардор қилади. Бунда, камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, талабгор белгиланган тартибда янгидан мурожаат қилиши мумкин;

талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар ва туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасига биноан талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштиради.

14. Субсидия Агентлик ва талабгор ўртасида субсидия ажратиш тўғрисида шартномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварақларига бир ой муддатда ўтказиб беради.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Ҳар йилги ажратиладиган субсидия тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Маҳаллий ишлаб чиқариш кластерлари томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

1-илова

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди (коньяк) маҳсулотларини экспорт қилганларга субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

Т/р	Ишчи гуруҳ аъзоси
1	Туман ҳокими, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i>
2	Туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари</i>
3	Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи
4	тижорат банк раҳбари (хизмат кўрсатувчи)
5	Туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи, <i>ишчи гуруҳ котиби</i>

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларининг экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

2-илова

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди (коньяк) маҳсулотларини экспорт қилганларга субсидия

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгор	Мазкур Низом талаблари асосида хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда муурожаат қилади	Ишлар тўлиқ бажарилган идан сўнг
2-босқич	Туман ишчи гуруҳи	1. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ижобий хулоса беради. 2. Талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлмаса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан салбий хулоса беради ва хужжатларни талабгорга қайтаради.	5 иш кунда

3-босқич	Талабгор	Агентликларга ёзма ёки электрон шаклда тегишли хужжатларни тақдим қилади.	Туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг
4-босқич	Агентликлар	<p>1. Талабгор томонидан тақдим қилинган хужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;</p> <p>2. Камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақида туман ишчи гуруҳини ва талабгорни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.</p> <p>3. Талабгор томонидан тақдим қилинган хужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномани расмийлаштиради.</p>	15 беш иш кунида
5-босқич	Агентликлар	Агентлик субсидияни талабгорга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-ҳисобварағига ўтказиб берилади.	1 ой муддатда

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

3-илова

туман ишчи гуруҳига

АРИЗА

_____ худудда фаолият юритаётган
(худуд номи)

_____ туманида қуйидаги ишларни бажардим.
(талабгор ташкилот номи)

Хусусан, _____

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5200-сон қарори асосида бажарилган ишлар учун хулоса беришингизни сўрайман.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи

Субсидия олиш учун белгиланган тартибга мувофиқ ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмоқдаман. Уларнинг ҳақиқийлигини кафолатлайман.

Илова:

Талабгор _____

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

4-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ тумани ҳокими,
туман ишчи гуруҳи раҳбари

Талабгор томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ва табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ҳамда бренди (коньяк) маҳсулотлари экспорти учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг

ХУЛОСАСИ

_____ туманида табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ҳамда бренди (коньяк) маҳсулотларини экспорт қилиш учун субсидия ажратиш бўйича _____ туман ишчи гуруҳи “_____” нинг 20__ йил “___” _____ даги _____-сон муурожаатини ўрганиб чиқди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Хорижий ҳамкор номи ва давлати: _____;
2. Экспорт қилинган маҳсулот тури: _____;
3. Экспорт қилинган маҳсулот миқдори (литрда) _____ ва суммаси: _____;
4. Экспорт қилинган маҳсулот учун амалга оширилган тўлов миқдори: _____;
5. Шартнома санаси ва рақами: _____;

ХУЛОСА:

“_____”га экспорт қилинган тайёр маҳсулотнинг ҳар бир литри учун 5 000 сўмдан – жами _____ млн сўм субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ (ёки мувофиқ эмас) деб топилди.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари:

Т/р	Ф.И.О.	Имзо, муҳр	Лавозими
1			Туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари
2			Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи
3			Хизмат кўрсатувчи тижорат банки раҳбари
4			Туман Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги
низомга
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Алкоголь
ва тамаки бозорини тартибга солиш
ҳамда виночиликни
ривожлантириш агентлигига**

АРИЗА

_____ худудида фаолият юритаётган
(худуд номи)
_____ туманида қуйидаги ишларни бажардим.
(талабгор ташкилот номи)

Хусусан, _____

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5200-сон қарори асосида белгиланган субсидия ажратилишини сўрайман.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи _____

Тижорат банкида очилган маҳсус ҳисобварақ _____

Субсидия олиш учун белгиланган талабларга мувофиқ ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмоқдаман. Уларнинг ҳақиқийлигини кафолатлайман.

Илова:

Талабгор _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “10” _____ ИЮН даги 327-сон қарорига
6-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 14, 15-бандлари, 5, 6-боблар, шунингдек унга 1, 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарорида:

а) 1-банддан тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-банддан “г” кичик банд чиқариб ташлансин;

в) 1-илова (Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисидаги низом)да:

2 ва 4-бандлардан учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

5-бандда:

учинчи хатбошидаги “қоплаш учун;” сўзлари “қоплаш учун берилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

11-банддан “ҳамда Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин;

4-боб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

47-банддан “Агентликлар ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

6-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 24 июлдаги 458-сон қарорида:

а) номи “(пакана ва ярим пакана)” сўзларидан кейин “хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп ток кўчатлари” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“янги интенсив боғ, хўраки ва кишмишбоп токзорларни барпо этган ёки барпо этадиган талабгорларга кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан;”;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“саноатбоп токзорларни барпо этган ёки барпо этадиган талабгорларга кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси орқали республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан субсидия ажратилади;”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 1-илова (Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисида низом)да:

номидаги “(пакана ва ярим пакана)” сўзларидан кейин “хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп ток кўчатлари” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-бандда:

“(пакана ва ярим пакана)” сўзларидан кейин “хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп ток кўчатлари” сўзлари билан тўлдирилсин;

“бир қисмини қоплаш,” сўзларидан кейин “шартнома шартларини мониторинг қилиш ҳамда берилган субсидияни қайтариш” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Субсидиялар:

янги интенсив боғ, хўраки ва кишмишбоп токзорларни барпо этган ёки барпо этадиган талабгорларга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги) қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси);

саноатбоп токзорларни барпо этган ёки барпо этадиган талабгорларга Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги)нинг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Виночиликни ривожлантириш жамғармаси) томонидан ажратилади.

Бунда, субсидиялар пропорционал тарзда кўчат ва пайвандтаг турига қараб тегишли Жамғарма томонидан берилади”;

4 ва 5-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“4. Субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори сотиб олинadиган кўчатлар ва пайвандтагларнинг ҳар бир донаси учун қуйидаги миқдорларда белгиланади:

интенсив мева кўчатига – 8 000 сўм;

интенсив мева пайвандтагига – 2 500 сўм;

ток кўчатига – 5 000 сўм;

ток пайвандтагига – 5 000 сўм.

5. Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ҳар бир дона кўчатга берилadиган субсидия миқдори унинг базавий ҳисоблаш миқдorigа мевали кўчат тури учун белгиланган коэффициентни кўпайтириш йўли билан қуйидагича аниқланади:

Номланиши	Кўчат турлари бўйича коэффициентлар			
	ток кўчатлари	уруғли мевалар	данакли мевалар	ёнғoқ мевалар
Кўчатлар ва пайвандтаглар	0,15	0,50	0,75	1,00

7-банддаги “Маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда” сўзлари “Кўчатлар ва” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бобда:

номидаги “интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда” сўзлари “кўчатлар ва” сўзлари билан алмаштирилсин;

биринчи параграф номидан, 8 ва 10-бандлардан, 28 ва 34-бандлардан “интенсив” сўзлари чиқариб ташлансин;

11-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“11. Лойиҳа ташаббускори кўчатлар сотиб олишга субсидия олиш учун Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ёки Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ва кўчат етказиб берувчи кўчатчилик хўжалиги ўртасида уч томонлама шартномани тузиш учун Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига ёки Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиб, электрон имзо билан тасдиқланган аризани электрон почта орқали юборади:”;

12, 15, 20, 21, 23, 24-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Тегишлигига кўра, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ёки Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентликлар) лойиҳа ташаббускорига кўчатларни сотиб олиш учун бериладиган буюртмага аванс тўлови сифатида субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади”;

14-банддаги, 22-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 32-банддаги “Агентлик” сўзлари “Агентликлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“16. Агентлик қабул қилган қарор тўғрисида лойиҳа ташаббускорини уч иш кун мобайнида ёзма (электрон) равишда хабардор қилади ва ўн беш иш кунида лойиҳа ташаббускори ва кўчатчилик хўжалиги ўртасида кўчатлар етиштириш, етказиб бериш ва субсидия ажратиш бериш бўйича уч томонлама шартнома имзоланади”;

18-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Кўчатчилик хўжалиги лойиҳа ташаббускорига етказиб берилётган кўчатлар учун Жамғармалар томонидан молиялаштирилган маблағларни мос равишда ҳар бир кўчат нархидан чегириб қолади”;

19-бандда:

биринчи хатбошидаги “Агентликка” сўзи “Агентликларга” сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан “интенсив” сўзи чиқариб ташлансин;

25-банддаги “Агентлик” ва “Жамғарма” сўзлари тегишлича “Агентликлар” ва “Жамғармалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банддаги “Жамғарма” сўзи “Жамғармалар” сўзи билан алмаштирилсин;

3-боб номидаги “интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда” сўзлари “кўчатлар ва” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банддаги “Агентлик” ва “Агентликнинг” сўзлари тегишлича “Агентликлар” ва “Агентликларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банддаги “Агентликнинг” сўзи “Агентликларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

1-илова (Республикада интенсив боғларда мевали дарахт ва узум кўчатларини экиш схемасининг шартлари) “Мева тури” устуни 12-позициясидан “(хўраки ва кишмишбоп)” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-илова (Маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш схемаси) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана), хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп ток кўчатлари ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги низомга
2-илова

**Маҳаллий шароитда етиштирилган кўчатлар ва пайвандтагларни
сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари	Плантация асосида барпо этиладиган боғ ва токзорлар учун ажратилган ёки ажратиладиган ер майдонларидан келиб чиқиб, лойиҳа ташаббускорларининг кўчатлар тури, нави ва сонига бўлган талабни аниқлаш мақсадида интенсив боғ ва токзор барпо этиш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантиради. Шакллантирилган манзилли рўйхатни Агентликларга тақдим этади.	Ҳар йили 1 ноябрга қадар 10 иш кунда
2-босқич	Агентликлар	Тақдим этилган манзилли рўйхат асосида “in-vitro” лабораториялари ва кўчатчилик хўжаликларининг кўчатлар етказиб бериш имкониятини ўрганиб, олинган маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари орқали лойиҳа ташаббускорларига етказилади.	10 иш кунда

3-босқич	Лойиҳа ташаббускори	1. Субсидия олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди. 2. Агентликларга ҳужжатларни электрон шаклда тақдим қилади.	Ташаббус кўрсатиш тартибида
4-босқич	Агентликлар	Лойиҳа ташаббускорлари ва кўчатчилик хўжалиги ўртасида кўчатлар етиштириш, етказиб бериш ва субсидия маблағларини ажратиб бериш бўйича уч томонлама шартномани имзолайди.	15 иш кунида
5-босқич	Агентликлар	Шартнома имзолангандан сўнг Агентликлар кўчатлар етказиб бериш учун кўчатчилик хўжаликларига шартномада белгиланган миқдордаги маблағларни ўтказиб беради. Маблағлар кўчатчилик хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626-махсус ҳисобварақларига ўтказилади.	Жамғармалар ҳисобрақамида маблағлар мавжуд бўлган тақдирда бир ой муддатда, акс ҳолда узоғи билан олти ойдан ошмаган муддатда
6-босқич	Агентликлар	Лойиҳа ташаббускори ёки кўчатчилик хўжалиги иштирокида субсидия олган кўчатчилик хўжалиги даласига ва “in-vitro” лабораториясига ташриф буюрган ҳолда мониторинг ўтказилади. Мониторинг яқунлари бўйича шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиш ҳолати ва кўчатлар етиштириш стандартларига мослиги тўғрисидаги уч нусхада далолатнома расмийлаштирилади. Мониторинг давомида шартнома шартлари	Ҳар чорак якуни бўйича

		бажарилмагани аниқланган тақдирда, ўтказиб берилган маблағларни қайтариш юзасидан ёзма равишда талабнома юборади.	
7-босқич	Лойиҳа ташаббускори	Маблағларни Агентликларнинг тегишли махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтаради.	Талабномани олган кундан 1 ой мобайнида

3-иловадан “интенсив (пакана ва ярим пакана)” сўзлари чиқариб ташлансин;

4-илова номидан “(хўраки ва кишмишбоп)” сўзлари чиқариб ташлансин.

